
МАРҒИЛОН ШАҲРИДА НАВБАТДАГИ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

Марғилон шаҳридаги “Олтин водий” МЧЖнинг сифатли металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида бўлиб ўтган бу галги учрашувда ҳам тадбиркорлар “Янги Ўзбекистон” массиви ва шаҳар ҳудудидаги саноат зоналарига жойлаштирмақчи бўлган қатор янги лойиҳалари тақдироти билан таништирдилар.

Тадбиркор Ҳотамжон Бўрибоев халқаро транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланади, Европа, МДХ давлатларига саноат маҳсулотларини ташийди. 10 та иш ўрни яратган. Вилоят раҳбари билан мулоқотда массивдан жой ажратилса, логистика маркази қуриш таклифини билдирди. Ушбу марказ ишга тушса 20 та иш ўрни яратишини маълум қилди. Ушбу таклиф кўриб чиқилиб, кўмак бериладиган бўлди.

Марғилон шаҳридаги “Анор” кафеси оилавий корхонаси таъсисчиси Умиджон Шодиев эса ушбу массивда лойиҳа қиймати 5 млрд. сўм бўлган замонавий хизмат кўрсатиш мажмуасини қуриш ниятида эканлигини айтди. Лойиҳа қўллаб-қувватланса 150 га яқин иш ўрни яратаман - дейди тадбиркор. Ушбу таклиф ҳам маъқулланиб, биргаликда ишланадиган бўлди.

Шу куни вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов 40 га яқин тадбиркорларнинг барча таклиф ва масалаларини тинглади. Таклифлар бўйича ишлаш ҳамда мурожаатларга ечим белгилаш юзасидан масъуллар бириктирилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-24 21:43:53